

**Фан  
Ҳақида  
суҳбат-  
лар**

Ш. ПИДАЕВ

# ТАНГАЛАР— ДАВР КЎЗГУСИ



ТОШКЕНТ  
«ЎЗБЕКИСТОН»

1984

Тақризчилар — тарих фанлари доктори У. И. Исломов,  
тарих фанлари кандидати М. Исомиддинов.

**Пидаев Ш.**  
П 39 Тангалар — давр кўзгуси.— Т.: Ўзбекистон,  
1984.— 23 б., расм.— (Фан ҳақида суҳбатлар.)

Рисолада қадимий тангалар ва уларнинг маданият, санъат тарихини, ўтмиш воқеликни ўрганишдаги аҳамияти тўғрисида фикр юритилади. Мавзу Ўрта Осиёда биринчи бўлиб танга зарб қилган қадимги Бақтрия, шунингдек Ўрта Осиё, қадимги Рим ва Греция территориясида муомалада бўлган тангалар мисолида ёритилган.

Рисола тарих, археология, санъат тарихига қизиқувчи китобхонларга мўлжалланган.

**Пидаев Ш. Монеты — зеркало эпохи.**

**ББК 63.2  
902.9**

№ 52—84  
Навой номли ЎзССР  
Давлат кутубхонаси.

П 0507000000—61 84  
М 351 [04] 84

© «ЎЗБЕКИСТОН» нашриёти, 1984 й.

Нумизматика танга пуллар ҳақидаги фандир. У юнонча «номизма» сўзидан олинган бўлиб, танга маъносини билдиради. Бу термин ўрта асрдан эътиборан ишлатила бошланди. Танга пуллар билан шуғулланувчи мутахассисларнинг пайдо бўлиши ҳам шу даврга тўғри келади. Улар ўзларини нумизматлар деб атай бошладилар.

Нумизматлар тангалардаги расмларни (тип), ёзувларни (изоҳларни), уларнинг оғирлиги, ўлчами, металл сифатини, ким томонидан зарб этилганлиги, қачон ва қаерда муомалада бўлганлиги ва ҳоказоларни ҳар томонлама ўрганадилар. Нумизматик изланиш асосида тангалардан тарих ва маданият билан боғлиқ бўлган маълумотларни максимал даражада олиш вазифаси ётади.

Инсоният тарихи ва маданиятини ўрганишда тангаларнинг аҳамияти катта. Чунки улардан олинган маълумотлар шунчалик кўп қирралики, уларнинг ҳаммасини ҳаттоки қайд қилиб чиқиш қийин. Хусусан, тангалар тарих, сиёсий иқтисод, санъатшунослик, идеология, тил, меъморчилик, савдо, халқаро алоқалар вужудга келиши билан боғлиқ бўлган бир қанча муаммоларни ечишда моддий манбалар орасида муҳим роль ўйнайди. Тангалар бўлиб ўтган тарихий воқеаларнинг санаси, қандай шоҳлар ҳукмронлик қилганлигини, уларнинг ҳукмронлиги неча йил давом этганлигини, давлат чегараларини аниқлашда, табиат, қишлоқ хўжалиги, қадимги металлургия, қурол-яроғлар тарихини, кийим-бош формаларини ўрганишда ҳам катта аҳамиятга эга. Археологик қазилар давомида топилаётган иморатлар, қабрлар, маданий қатламлар ва, қолаверса, турли

археологик топилмаларнинг «ёшини» аниқлашда археологлар кўпинча тангаларга асосланишини қайд қилсак, уларнинг фан олдидаги аҳамияти нақадар катта эканлиги. яққол намоён бўлади.

### ТАНГАЛАРНИНГ ПАЙДО БЎЛИШ САБАБЛАРИ

Инсоният тарихига назар ташлар эканмиз, одамлар орасида турли нарсалар айирбошлаш қадимги тош давридаёқ пайдо бўлганлигининг шоҳиди бўламиз. Аввал қабила ичида, маълум вақт ўтиши билан қабилалараро айирбошлаш пайдо бўлган. Йиллар, асрлар ўтиши билан айирбошлаш учун мўлжалланган молларнинг хиллари кўпайиб борган. Ниҳоят жамият тараққиётининг маълум босқичида айирбошлаш ўртада воситачи товарнинг пайдо бўлишини тақозо қила бошлади. Бу воситачи товар бошқа ҳамма мол-товарларнинг эквиваленти бўлиши керак эди. Шундай қилиб, энди айирбошлаш учун ажратилган моллар воситачи товарнинг қиймати билан аниқланадиган бўлди. Бу воситачи товарлар одамлар билган биринчи пул эди. Пулнинг пайдо бўлиши айирбошлаш олди-сотдига айланганлигидан, савдо вужудга келганлигидан далолат берди.

Воситачи товар, яъни пулнинг ролини турли халқларда турли моллар бажарган, лекин бу товарлар, асосан, инсон ҳаётида энг зарур ҳисобланган моллар бўлган. Масалан, деҳқончилик билан шуғулланувчи қабилалар орасида пул ўрнини деҳқончилик маҳсулотлари босган бўлса, овчилик билан шуғулланувчи қабилалар орасида тери шундай ролни ўтаган. Чорвачилик билан машғул бўлган қабилалар орасида эса пул хизматини қорамоллар бажарган.

Осиё ва Африканинг кўпгина халқлари орасида яқин вақтларгача чиганоқ, ит тиши, тошболта, мунчоқ ва ҳоказолар пул ролини бажарган. Масалан, Ҳиндистонда марваридлар пул ўрнига ўтган. Янги Гвинеяда эса тошболтадан пул ўрнида фойдаланганлар. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Умуман, оддий чиганоқдан тортиб, то одамларнинг бош суягигача пул вазифасини бажарганлигининг шоҳиди бўламиз. Шундай бўлса-да, кўп халқлар орасида қорамолларда ифодаланган пул формаси кенг тарқалган. Бозорга олиб чиқилган товарларнинг нархи қўй ва ҳўкиз билан баҳоланган. Масалан, бир бош қўй бешта ҳўкиз терисига, ўнга сопол идиш ёки бўлмаса ярим қоп арпага тенг

бўлиши мумкин, яъни ҳамма нарса қўйга нисбатан баҳоланган. Агар деҳқон ярим қоп арпани бозорга олиб чиқиб алиштирмоқчи бўлса, унга ўнта сопол идиш олиши мумкин бўлган.

Бундай пуллар жамият тараққиётининг маълум босқичларида ўзини оқлади. Аммо вақт ўтиши билан улар давр талабига жавоб беролмай қолди. Чунки бу пулларда ифодаланган қийматлар нисбий қиймат эди. Улардан фойдаланишда қатор қийинчиликлар бор эди. Шунинг учун муомалада янада қулай бўлган юқори қийматли, осон бўлинадиган товар-пулга эҳтиёж туғила бошлади. Бундай пул узоқ вақт изланди ва ниҳоят одамлар шундай пул сифатида металлларни танладилар. Чунки металл пулларни узоқ сақлаш мумкин, уни кичик бўлақларга бўлиш, ундан арзон қийматли металл ёмбилар олиш мумкин. Улар кўп жой эгалламаган, олиб юриш ҳам осон бўлган ва ҳоказо. Металл пуллар орасида, аниқса, олтин ва кумуш пул жуда қадрланган. Металл пуллар текширишларга қараганда қадимги дунё давлатларида, масалан, Миср ва Месопотамияда милoddан олдинги III мингинчи йиллардаёқ пайдо бўлган экан.

Бу металл ёмбилар эди. Лекин ҳамма пуллар ҳам металл ёмби шаклида бўлмаган. Масалан, Мисрда пулни симга ўхшатиб, мис, кумуш ва олтиндан тайёрлаганлар. Бу симларни улар билакузукга ўхшатиб эгганлар ва қўлларида тақиб юрганлар. Қадимги Хитойда пулларни бронза пичоқларга ўхшатиб тайёрлаганлар. Қадимги Римда эса қадимги Грециядаги каби маълум оғирликдаги металл ёмбилар пул хизматида ўтаган.

Умуман ҳамма металл пуллар оғирлигига қараб қийматланган. Энг катта оғирлик бирлигини талант деб атаганлар. Бир шоҳ таланти 60,4 кг, катта талант — 50,4 кг, кичик талант 30,2 кг олтинга тенг бўлган. Талантлар миналарга бўлинган. Шоҳ таланти 60 минага тенг бўлган. Бир минанинг оғирлиги I кг дан ортиқроқ бўлган.

Аммо металл пулларнинг ҳам ўзига хос қийинчиликлари бор эди. Масалан, олтин ва кумушга бошқа бирон арзон метални аралаштириб пул тайёрлаш мумкин. Унинг соф олтин ёки кумушлигини кўз билан аниқлаб бўлмайди-ку? Бундан ташқари ёмбилардан озгина-озгина арралаб олиш ҳам мумкин. Демак, бу ёмбиларнинг оғирлигини ва сифатини ҳар доим текшириб бориш зарур бўлган. Шунинг учун ёмбиларнинг оғирлигини

ўлчаш учун одамлар тарози олиб юришга мажбур бўлганлар. Металлнинг софлигини қандай текшириш мумкин? Вақт ўтиши билан бунинг иложи ҳам топилди. Энди давлатлар маълум оғирликдаги ва қийматдаги махсус муҳр босилган металл ёмбиларни чиқара бошлади. Танга пуллар шундай қилиб пайдо бўлди.

### ТАНГА НИМА ВА У ҚАНДАЙ ЗАРБ ҚИЛИНГАН!

Маълумки, танганинг икки: олд (аверс) ва орқа (реверс) томони бор. Танганинг ҳар иккала томонига ҳам расмлар ва ёзувлар туширилган бўлади. Расм ва ёзувлар тасвирланган майдон «танга майдони» деб аталади. Одатда танга майдони чизиқли, нуқтали ёки чизиқ ва нуқтали, ё бўлмаса узун мунчоққа ўхшаш ҳошия билан ўралган бўлади. Танга қирраси «гурт» деб аталади.

Тангада тасвирланган расмлар ва ёзувлар танга типининг асосини ташкил этади. Расм ва ёзувлар мазкур тангани зарб этган давлат, қироллик, хонлик ёки шаҳарнинг ўзига хос муҳридир. Бу билан шоҳ, қирол, хон ёки шаҳар ҳокими бозорга муомалага чиқарилаётган тангалар ҳақиқий ва тўла қийматли эканлигини таъкидлайди ва бунга кафиллик берган ҳисобланади. Чунки танга-металл. Унинг софлиги ва оғирлиги давлат томонидан кафилланиши керак. Бу ҳар қандай фирибгарликни, қалбаки пул ясашни чеклаш мақсадида қилинган. Шундай қилиб, танга деганда биз маълум расм тасвирланган муайян оғирликдаги ва сифатдаги металлни, предметни тушунишимиз керак. Иқтисодчиларнинг тили билан айтганда: «Товарларнинг товари, бошқа товарларнинг ҳаммасини ўз ичига пинҳон қилиб олган товар, истаган бир вақтда кўнгил тусаган ва орзу қилган ҳар қандай буюмга айлана олувчи сеҳрли восита ихтиро қилинган эди»<sup>1</sup>.

Танга, яъни «монета» сўзининг ўзи эса тангалардан бир неча аср кейин пайдо бўлган. Бу сўз римликларнинг Юнона исмли маъбудасининг лақаби бўлиб, «эҳтиёт қилувчи маъбуда» деган маънони билдиради. Маъбудани одатда римликлар Юнона Монета деб аташган. Унинг шарафига Римнинг энг баланд ерида, Капи-

<sup>1</sup> К. Маркс, Ф. Энгельс. Танланган асарлар, 2-т., Тошкент, 1959, 331-бет.

толияда ибодатхона қурилган бўлиб, бу ерда танга зарб қиладиган устахона жойлашган. Шунинг учун ҳам маъбуда Юнона Монета ва тангалар зарб қиладиган устахона шарафига тангаларни «монета» деб атай бошлаганлар. Ҳатто «монета» сўзини тангаларнинг ўзида ҳам қайд қилганлар. Хусусан милоддан олдинги I асрнинг ўрталарида Рим магистрати — Тита Каризия номидан зарб қилинган тангаларнинг олд томонидан Юнона маъбудасининг расми ва «монета» сўзини кўриш мумкин. Кейинчалик бу сўз бошқа халқларга ҳам ёйилиб кетди ва шу тариқа металл пулларни кўп жойларда монета деб атайбошладилар.

Тангаларнинг олд томонида одатда ҳоким, шоҳ ёки император, ё бўлмаса бирор бир муқаддас ҳайвон, орқа томонида эса бирорта маъбуда ёки бошқа бир нарса, ёзувлар ва тамға тасвирланган бўлади. Ўрта асрлардаги Шарқ мамлакатларининг тангаларида расмлар тасвирлаш мумкин бўлмагани учун расм ўрнига ҳам ёзувлар зарб қилинган. Бу тангаларнинг олд томонида Қуръондан оят, қачон ва қаерда зарб қилингани қайд қилинган. Танганинг орқа томонида оятнинг давоми, худонинг ердаги ноиб — Муҳаммад, халифанинг исми ва сўнгра амирнинг ёки мазкур тангани зарб қилдираётган ҳокимнинг исми келтирилган.

Дастлабки даврларда танга зарб қилиш учун эритилган маълум оғирликдаги металлни ичига расм ўйилган махсус сандонга солиб, унинг устига яхлит металл стержень қўйилган ва стерженга оғир болға билан урилган. Натижада танганинг бир томонига сандондаги расмнинг тасвири тушган, танганинг иккинчи томони эса бир оз чуқур бўлиб қилган. Тангани бир уришда зарб қилиш лозим бўлган. Агар унга икки ёки уч марта урилса, расм чаплашиб кетган ва бозор учун яроқсиз бўлиб қолган.

Вақт ўтиши билан танга зарб қилувчи асбоблар ҳам такомиллашиб борди. Энди сандон устига қўйиладиган стерженнинг ички томонига ҳам маълум шакл киритилиб, унда расм тасвири ўйиладиган бўлди, яъни у штемпелга — ўзига хос қолипга айланди. Шундай қилиб, танганинг икки томонига ҳам расмнинг тасвирини тушириш имконияти яратилди. Тангаларда расмлардан ташқари ёзувлар ҳам пайдо бўла бошлади. Бу ерда шуни эсдан чиқармаслик керакки, сандонда ҳам, қолипда ҳам ҳақиқий расмнинг тескари акси ўйиб ишланган бўлади. Шундай қилингандагина тангада тасвирланаёт-

ган расмнинг ўзи чиқади. Сандон ва қолип одатда у замонларда темир ёки бронзадан тайёрланган. Қолипнинг ихтиро қилиниши танга зарб қилишни анча тезлаштирди, сифатини оширди, танга зарб қилувчи рассом — кандакорлар эса тангаларда мураккаб расмларни тасвирлаш имкониятига эга бўлдилар. Расмларни янада реал ва ҳаётий қилиб тасвирлашга шароит туғилди. Антик даврга оид танга зарб қиладиган асбобларнинг тасвирини ўша даврга оид тангаларда кўришимиз мумкин. Масалан, Рим магистрати Тита Қаризия номидан зарб қилинган тангаларнинг орқа томонида қиздирилган металлни ушлаш учун мўлжалланган омбир, тўғри тўртбурчак шаклидаги баланд сандон, болға тасвирланган.

Одатда қолиплардан фойдаланиб бўлингандан кейин уларни йўқ қилганлар. Қолиплар сохта танга зарб этувчи кишилар қўлига тушиб қолмаслиги учун шундай қилинган. Шунинг учун ҳам бўлса керак, археологлар қазиш пайтида танга зарб қиладиган қолип-асбобларга деярли дуч келмайдилар. У жуда ноёб топилма ҳисобланади.

## БИРИНЧИ ТАНГАЛАР

Танга пул зарб этиш қачон ва қаерда биринчи марта ихтиро қилинганлиги ҳақида олимлар орасида яқин вақтларгача яқдиллик йўқ эди. Уларнинг бирлари танга биринчи бўлиб Қичик Осиёда жойлашган Лидия давлатида зарб қилинган деб ҳисобласалар, иккинчилари Эгин оролида жойлашган Аргос подшолигини кўрсатадилар. Ҳозир бу муаммо ҳал қилинган. Танга пулларни биринчи бўлиб ҳақиқатан ҳам милоддан олдинги VII асрда лидияликлар ихтиро қилганлар. Лидияда биринчи бўлиб тангалар зарб қилинганлиги ёзма манбаларда ҳам зикр этилган. Хусусан, буюк юнон тарихчи олимлари Геродот ва Ксенофонтлар танга биринчи марта Лидияда пайдо бўлганлигини ва у олтин билан кумушнинг табиий қотишмасидан тайёрланганлигини қайд қиладилар. Бу тангаларнинг бир томонида тулкининг расми тасвирланган, иккинчи томонда тасвир бўлмаган. Тулки лидияликларда муқаддас ҳайвон ҳисобланиб, у уларнинг энг улуғ маъбудаси Бассарайнинг рамзий тасвири бўлган. Бу тангани лидияликлар олтин статер деб атаганлар, «статер» — юнонча сўз бўлиб, тарози дастаги деган маънони билдирган.



Лидияликлардан бир неча ўн йилдан кейин Эгинда ҳам танга зарб қила бошлаганлар. Қизиғи шундаки, Эгинда танга зарб этиш мустақил равишда ихтиро этилди. Бунда биз лидияликларнинг таъсирини асло кўрмаймиз. Эгинликлар тангани соф кумушдан зарб қилганлар. Унинг шакли ҳам, ундаги тасвир ҳам лидияликларникидан ўзгача бўлган. Бу тангада тошбақа тасвирланган.

Кўп ўтмай, лидияликлар ва эгинликлар таъсири остида Юнонистоннинг бошқа шаҳарлари, уларнинг Қора денгиз бўйидаги колонияларида, сўнгра Эрон, Рим ва бошқа жойларда танга зарб қила бошладилар. Айни замонда тангаларни зарб этиш усуллари ҳам такомиллашиб борди. Чунки тангаларнинг савдо-сотиқда айирбошлаш воситаси сифатида қулайлиги дарҳол кўзга ташланди. Уларни ҳамма: сотувчи ҳам, харидор ҳам, савдогар ҳам тан олди.

Нима учун биринчи тангалар айнан Лидия ва Эгинда ихтиро қилинди? Гап шундаки, Лидия ва Эгин оролининг қулай географик ўрни савдо-сотиқ бу ерда бошқа шаҳарларга қараганда бир неча асрлар олдин пайдо бўлишига, унинг тез ривожланишига кенг шароитлар яратган эди. Улар Юнонистон шаҳарлари, Қора денгиз бўйида жойлашган грек колониялари, шарқ давлатлари билан савдо олиб борар эдилар. Чакана савдо, айниқса, кучли тараққий қилган эди. Шундай бўлмаганда юнонлар лидиялик ва эгинликларни биринчи бўлиб савдогарлар деб атамаган бўлур эдилар. Танга пулларга бўлган зарурият эса, айниқса, мана шу чакана савдо билан шуғулланувчи савдогарлар орасида кучли бўлган. Чунки чакана савдо тангага ўхшаш, муомалада қулай бўлган пулларнинг пайдо бўлишини тақозо қиларди. Савдогарлар танга пулни ихтиро қилиб, ўз юмушларини жуда енгиллаштирдилар. Энди уларга тарози кўтариб юришнинг ҳожати қолмаган эди. Ваҳоланки, бунгача улар қаерга бормасинлар тарози ва қадоктош кўтариб юришга мажбур эдилар. Тангаларни эса шундай санаб бериш мумкин. Унинг оғирлиги, металлнинг софлиги махсус расм ва тамға билан давлат томонидан кафилланган эди.

Эронда биринчи марта танга пулларни милоддан олдинги 522—486-йилларда ҳукмронлик қилган шоҳ Доро I зарб қилдирган. Шунинг учун ҳам у зарб қилдирган тангалар дариклар деб аталган. Дариклар соф олтиндан тайёрланган. Унинг оғирлиги 8,4 граммга

тенг. Тангада камон отаётган шоҳ тасвирланган. Дариклардан ташқари аҳмонийлар Эронда кумуш тангалар ҳам зарб қилинган. Уни сикл деб аташган. Сиклнинг оғирлиги 5,6 граммга тенг бўлган.

Қора денгиз бўйидаги грек колонияларида, масалан, Пантикапейда, Феодосияда, Ольвияда ва бошқа шаҳарларда ҳам тангаларни милоддан олдинги VI асрдан бошлаб зарб қила бошлайдилар. Тангалардаги расмлар бу шаҳарларга кимлар асос солганини аниқлашга ёрдам беради. Мисол учун Пантикапейда зарб қилинган тангани олайлик. Унинг орқа томонида шер тасвирланган, Милет тангаларида ҳам шер тасвирланган. Демак, Пантикапейга биринчи бўлиб милетликлар асос солган деб ҳисоблаш мумкин. Бу тарихий фактдир.

Бақтрияда биринчи тангаларни Салевкнинг ўғли Антиох зарб қилдирган (милоддан олдинги 293—280 йил). Аммо улар кўп миқдорда чиқарилмаган. Бу ерда кўплаб тангаларни зарб этиш грек-бақтрия подшолиги даврига тўғри келади. Бу тангаларнинг номи юнонча бўлган; яъни олтин танга — статер, кумуш тангалар — тетрадрахма, драхма, обол деб аталган. Кўплаб мис тангалар ҳам чиқарилган. Топилмаларга қараганда бу ерда турли қийматдаги кумуш тангалар кўп зарб этилган экан. Тангаларнинг оғирлиги юнонлар тангаларининг оғирлигига тенг бўлган. Хусусан, олтин танга 8,6 граммга, тетрадрахма 16 граммга тенг бўлган. 1 статер — 5 тетрадрахмага ёки 20 драхмага тенг бўлган.

Сўғдиёнада танга биринчи марта тахминан эрамизнинг бошларида зарб қилинди. Бу кумуш танга бўлиб, унинг олд томонида шоҳ, орқа томонида ёйчи тасвирланган. Танга жуда кичик ва енгил бўлган (0,3—0,4 грамм атрофида). Бунгача бу ерда грек-бақтрия шоҳларининг тангалари муомалада бўлган.

Чоч (Тошкент) воҳасида ҳам тангалар эрамизнинг биринчи асрларидан бошлаб зарб қилина бошланди. Бу тангалар бронзадан тайёрланган бўлиб, унинг олд томонида шоҳ, орқа томонида тамға ва сўғд ёзуви тасвирланган.

Хоразм ўзининг биринчи тангаларини милоддан олдинги II—I асрларда зарб этди. Бу тангалар грек-бақтрия шоҳларининг тангаларига тақлидан чиқарилган эди. Вақт ўтиши билан Хоразм тангаларининг олд томонида ўзига хос тож кийган шоҳнинг портрети, ор-

қа томонида суворий расми ва ёзувлар пайдо бўлди. Бироқ, умуман олганда Сўғдиёна, Чоч, Хоразм тангалари ўз сифати, зарб қилиш техникасига кўра бақтрияликларникига тенглаша олмаган. Бақтрия тангалари ўша даврда бу ўлкада кандакорлик санъати зўр тараққий қилганлигидан далолат беради.

## ТАНГАЛАР — САНЪАТ ДУРДОНАСИ

Милоддан олдинги III—II асрлар Бақтрия маданиятининг энг гуллаб-яшнаган давридир. Бу давр инсониятга шундай машҳур нодир асарларни тақдим этдики, улар ҳозир ҳам ўзининг жилоси билан бизни лол қолдиради. Айниқса, грек-бақтрия заргарларининг кандакорлик санъати эътиборга лойиқдир. Грек-бақтрия заргарлари яратган шоҳ ва маъбудлар образларининг ҳар бири ўзи бир дунёдир. Бу даврда шоҳларни кўкларга кўтариб мақташ анъана бўлган. Бу мавзу тангаларда, монументал санъатдаги каби, турли тарихий даврларда турлича ифода этилган. Албатта, бунга бир қанча объектив сабаблар бўлган. Авваламбор, мазкур жамиятнинг тараққиёт даражаси, давлат тузуми, мавжуд ижтимоий муносабатлар, аҳолининг этник таркиби, сиёсий, ғоявий ва диний эътиқоди ва ҳоказолар санъатнинг шаклланишига турлича таъсир кўрсатган. Зеро, санъат муайян ижтимоий-иқтисодий даврнинг мевасидир. Ўша даврдаги грек-бақтрия ҳайкалларига реализм хослигини кўриш мумкин, яъни рассом-кандакорлар ўз замондошларининг портретида уларнинг, биринчи навбатда, ташқи қиёфасини айнан ифода этишга ва, иккинчидан, ички дунёсини очиб беришга ҳаракат қилганлигининг шоҳиди бўламиз. Албатта, бунда улар маълум қондаларга риоя қилганлар, хусусан, кандакорлар шоҳ образини тангада ифодаляётганларида унинг шахсиятига тегиб кетмасликка ҳаракат қилганлар. Мисол тариқасида грек-бақтрия шоҳи Евтидемнинг кумуш тангасини олиб кўрайлик. Бу шоҳ ўз даврининг устамон, ҳийлакор, моҳир сиёсатдонларидан бири бўлган, у тангаларда мағрур, шафқатсиз, мустаҳкам продали киши сифатида тасвирланган. Евтидем тангаларининг орқа томонида паҳлавон Геракл тасвирланган. Шуниси қизиқки, Евтидемнинг ёшлик йиллари тасвирланган тангаларда Геракл ҳам ёш, улғайган даври акс эттирилган тангаларда эса Геракл ҳам кексайган ҳолда тасвирланган.

Биз рассом-кандакорларнинг юқори даражадаги санъаткор бўлганликларидан далолат берувчи яна бир мисолни кўриб чиқайлик. Бунинг учун Евтидемнинг ўғли Деметрий фармони билан зарб қилинган тангага мурожаат қиламиз. Тарихий манбалардан маълум бўлишича, Деметрий ўз ҳукмронлиги даврида мингдан ортиқ шаҳарга асос солган, шоҳлик территориясини анча кенгайтиришга муяссар бўлган. Жумладан, у Ҳиндистоннинг кўпгина қисмини босиб олган. Деметрий ўз тангаларида филнинг бошига ўхшаш бош кийим кийган ҳолда тасвирланган. Бу билан у ўз ғалабаларини кенг омма орасида ташвиқот қилмоқчи бўлган. Маълумки, Ҳиндистон ўша вақтларда ҳам филлар ватани деб аталарди. Бироқ бу ерда биз эътиборингизни бошқа нарсага жалб этмоқчимиз. Агар Евтидемнинг расмини Деметрийнинг расми билан солиштириб кўрадиган бўлсак, улар ўртасидаги ўхшашлик яққол намоён бўлади. Бу ўхшашлик шу даражада яқин ва кучлики, агар хаёлан Евтидем бошига Деметрийнинг бошидаги қалпоқни кийгизсак, у ҳолда бизнинг олдимизда Евтидем эмас, балки Деметрий тургандек бўлади. Деметрийнинг ҳам няклари Евтидемникидек оғир, лаблари қаттиқ қисилган, кичик кўзлари ич-ичига ботган. Унинг бурни ҳам катта, бўйни ҳам йўғон.

Умуман Деметрийнинг юзида қандайдир муайян қатъийлик, мағрурлик ва ўз мақсадига эришиш йўлидаги саботчилик ўз ифодасини топган. Бу билан рассом-кандакорлар ота ва ўғил ўртасидаги наслий ўхшашликларни қайд қилмоқчи бўлган бўлсалар керак. Аммо бу ўхшашликни илиб олиш ва ифода этиш ҳар қандай кандакорнинг ҳам қўлидан келавермаган. Бунинг учун катта маҳорат керак. Сўнгги грек-бақтрия шоҳлари Евкратид ва унинг ўғли Гелиокл расмлари ўртасида ҳам наслий ўхшашлик аломатлари кандакорлар томонидан жуда аниқ қайд қилинган. Хусусан, уларнинг лаблари, бурни бир-бирига ўхшашдир. Лекин кўз қийиқлари, пешоналарининг формаси турличадир. Гелиокл ажинли юзлари шишган, шавқсиз, шубҳали, маъюс боқиб турган ҳолатда тасвирланган. Шоҳларнинг портретлари ўртасидаги ўхшашлик қанчалик кўп бўлмасин, ҳар бир шоҳнинг образи — индивидуал ва такрорланмасдир.

Кейинги юдийлар даври санъатида образлилик билан бирга шоҳга хос улуғворлик ва обрўни бўрттириб

кўрсатиш лозим бўлган. Герайнинг портрети бунга яққол мисол бўла олади.

Герай тангаларда шундай тасвирланганки, гўё у жамиятнинг энг юқори поғонасида тургандек, қолганлар эса унинг пойида туриши керакдек, гўё унга тенг келадиган одам инсонлар орасида йўқдек.

Герай портретида эллинизмнинг таъсири айтарли сезилмайди. Лекин у ҳам ўзининг гоаят таъсирчанлиги, яратилаётган образни реал ифода эта олинганлиги билан ажралиб туради. Қандакор унинг ташқи қиёфасини аниқ тасвирлабгина қолмай, балки Герай характерини очиб бера олган. Тангадаги расмда Герай бошини мағрур кўтариб турибди. Қулча юзли, бир оз тўла, қирра бурун, шоп мўйлов, оғзи кичик, пастки лаби дўрдоқ, ияги сал олдига чиққан, бўйини йўгон, кўзлари катта, пешонаси кенг, олдинги сочлари тўғри, калта, орқага таралган, чаккаларидаги сочлари эса бирмунча узун ва қулоғини ёпиб турибди. Орқадан тўғри қилиб қирқилган сочлари майин мавж уриб турибди. Эғнида елкаси кенг қирқилган енгил куйлак, устида қайтарма ёқали чопон. Расм нуқта ва чизиқлардан иборат ҳошия ичида чизилган. Шундай қилиб, тангалар асосида тарихий шахсларнинг ташқи қиёфасини, уларнинг характерини маълум даражада аниқлаш мумкин. Бироқ бу ерда шартлилик борлигини унутмаслик керак. Баъзи ҳолларда шоҳларнинг портретлари ўта муболағали тарзда тасвирланган. Шў бонсдан тангаларни ва тарихий ёзма манбаларни бир-бирига жиддий қиёштириш асосида объектив ҳақиқатни аниқлаш даркор.

Бу даврдаги тангалар — ноёб санъат асаридир. Ушбу тангаларнинг қолипларини тайёрлаган рассом-қандакорни ҳақиқий санъаткор дейиш мумкин. Чунки улар олдин санъатда маълум бўлмаган ҳаётини ва эстетик янгиликларни зўр бадий маҳорат билан тасвир эта олганлар. Улар яратган асарлар неча асрлардан бери одамларни ҳаяжонлантириб, тўлқинлантириб келмоқда. Бунинг бонси шундаки, мазкур тангаларда халқимизнинг эстетик диди ва бадий тафаккури ютуқлари ўз ифодасини топган.

#### **САНЪАТ АСАРЛАРИНИ УРГАНИШДА ТАНГАЛАРНИНГ РОЛИ**

Тангалар ўз замонасининг машҳур ҳайкалтарошлари тўғрисида тасаввур берувчи, бутун ҳолда сақлашиб қолмаган ҳайкалларни қайта тиклашга ёрдамлашувчи

муҳим манба ҳамдир. Юқорида қайд қилинган грек-бақтрия шоҳларининг тангаларига назар ташласак, шоҳ ва матбудаларнинг расмлари юнон ҳайкалтарошлик анъаналарига риоя қилиниб ишланганлигининг шоҳиди бўламиз. Бунинг сирини нимада? Гап шундаки, тангалардаги расмларни чизган рассом-кандакорлар ўзларига нусха сифатида, шубҳасиз, ўша даврдаги Бақтрия монументал тасвирий ва амалий санъатида мавжуд бўлган образлардан фойдаланганлар. Фикри-мизининг ёрқин далили сифатида Грециянинг Магнесия деган шаҳаридан топилган Евтидемнинг ҳайкалининг унинг тангадаги расми билан солиштирайлик. Евтидем ҳайкали билан унинг тангалардаги расми ниҳоятда ўхшашдир. Бу ҳайкал милоддан олдинги III асрнинг охирида тайёрланган бўлиб, у эллинистик ҳайкалтарошликнинг энг чуқур реалистик анъаналарига риоя қилиб ишланган. Мазкур ҳайкал Бақтрияда тайёрланган бўлиши керак. Унинг узоқ Магнесиядан топилшига сабаб шуки, Евтидем асли магнесиялик бўлган ва унинг ёшлик йиллари ўша ерда ўтган.

Тангалардаги расмларга қараганда грек-бақтрия шоҳлиги даврида Бақтриядаги кўпгина шаҳарлардаги сарой ва ибодатхоналарни машҳур юнон ҳайкалтароши Лисипп (милоддан олдинги IV аср), Фидий (милоддан олдинги V аср), Пракситель (милоддан олдинги V аср) ва бошқаларнинг кўпгина асарлари ёки уларнинг нусхалари безаб турган. Мисол учун Евтидем тангасининг орқа томонида тасвирланган паҳлавон Геракл расмини олайлик. Геракл тангада қўлида ҳайвон териси ва сўйил ушлаб, тошда ўтирган ҳолда тасвирланган. Бу Лисиппнинг «Дам олаётган Геракл» деб номланган асарига жуда ўхшайди. Лисиппнинг яна бир асари — Зевс ҳайкали Гелнокл тангаларида тасвирланган Зевсга айнан ўхшайди. Антимах тангаларида уч тишли айри ушлаб турган денгиз худоси Посейдон эса Праксительнинг Мелосдаги Посейдон ҳайкалининг худди ўзгинасидир. Бундай мисолларни жуда кўп келтириш мумкин. Қизиги шундаки, бу ҳайкаллардан кўпининг асл нусхаси бизгача етиб келмаган. Мазкур тангаларнинг аҳамияти ҳам шундаки, улар бизга бу ҳайкаллар аслида қандай тасвирланганлиги ҳақида тасаввур беради.

Кушонлар давридаги рассом-кандакорлар ҳам ўзларига нусха излаб, монументал санъатга мурожаат қилганлар. Жумладан, эҳтимолдан холи эмаски, Холчаёнда (Сурхондарё) топилган ҳайкалларнинг баъзи-

лари ўз даврида Кушон шоҳи Герай тангаларини тайёрлашда рассом-кандакор учун нусха вазифасини ўтаган. Нега деганда, бу ерда топилган Герай ҳайкали унинг тангадаги расмига жуда ўхшайди. Матхурадан топилган буюк Кушон шоҳлари Вима Кадфиз ва Канишканинг ҳайкаллари ҳам уларнинг тангаларидаги расмларига ўхшайди. Лекин бу иккала ҳайкалнинг боши сақланмаган. Бу борада бизга тангалар ёрдам берадилар, яъни шоҳларнинг тангалардаги расмига қараб, уларнинг боши қандай тасвирланганлигини билиш мумкин. Шу ерда яна бир ажойиб мисолни айтиб ўтиш керак. Бу Праксителнинг машҳур ҳайкалларидан бири — 1877 йилда Олимпиянинг Гера ибодатхонасида топилган ёш Дионисни кўтариб турган Гермес ҳайкалининг асл нусхасидир. Мазкур ҳайкал Праксителнинг қирққа яқин яратган асарларидан бизгача етиб келган яккаю-ягона ҳайкалининг асл нусхасидир. Унинг қолган асарлари Рим нусхаларида маълум. Бу топилма ўз даврида катта шов-шувга ва баҳсларга сабаб бўлди. Ҳайкалнинг ўнг қўли синганлиги учун санъатшунослар маъбуданинг бу қўли қандай ҳолатда тасвирланганлигини ва у нимани ушлаб турганлигини кўп вақтгача аниқлай олмаган эдилар. Фракиянинг Алхила шаҳридан топилган оддий бир танга маъбуданинг бу сирли ҳолатини ойдинлаштирди. Тангада Гермес ўнг қўлида бир бош узумни бўйи баландлигида кўтариб, ёш Дионисга кўрсатиб турган ҳолатда тасвирланган эди.

Тангалар бундан ташқари ҳайкалларнинг қачон ва нима шарафига яратилганлигини ҳам айтиб бериши мумкин. Лувр музейининг кўрки ҳисобланган ғалаба маъбудаси Ника Самофракийскийнинг ҳайкали бу нуқтаи назардан жуда характерлидир. У қачон ва нима шарафига яратилганлиги кўп вақтгача одамлар учун муаммо бўлиб келар эди. Қарангки, муаммонинг жавоби тангада яширинган экан. Македон шоҳи Деметрий Полиаркет тангасининг топилиши бу саволларга жавоб берди. Тангада Луврдаги Ника маъбудасига ўхшаш Ника кемада турган ҳолда тасвирланган эди. Деметрий Полиаркетнинг қачон ҳукмронлик қилганлиги эса бизга ёзма манбалардан маълум. У милоддан олдинги IV асрнинг охирларида ҳукмронлик қилган. Демак, ҳайкал ҳам шу даврда яратилган. Иккинчи саволга ҳам мазкур танганинг ўзи жавоб беради. Ҳайкал Деметрий



Евгидем тангасининг олд томони.



Архебия тангасининг олд томони.



а. Деметрий тангасининг олд (а) ва орқа (б) томони.



Аминтас тангаларининг орқа томони.







Евкратид II тангасининг олд томони.



Вима Кадфиз тангасининг олд томони



Канишка тангасининг олд томони



Васудева тангасининг олд томони.



Канишка ва Хувишка тангаларининг орқа томони.

Полиаркетнинг Саламин жангида (милоддан олдинги 306 йил) Птоломей I устидан ғалаба қозонганлиги ша-рафига тайёрланган.

## ТАНГАЛАР ВА ДИН

Қадимги тангалар одамлар сиғиниб, улуғлаган маъ-будларни, турли диний тасаввур ва эътиқодларнинг пайдо бўлишини, уларнинг тараққиёт йўлини ўрганиш-да муҳим роль ўйнайди. Маълумки, халқларнинг диний эътиқодларини ўрганиш катта илмий ва амалий аҳа-миятга эга. Чунки дин тарихини яхши билиш диний идеологияга қарши курашда жуда кучли қурол бўлиб хизмат қилади. Агар биз диний эътиқодларнинг шакл-ланишига назар ташласак, дунё динлари энг оддий ди-ний эътиқодлардан пайдо бўлганлигининг шоҳиди бўламиз. Бу эса дин пешволарининг дин қадимдан мав-жуд бўлган, деган даъволари нотўғри, уйдирма экан-лигини кўрсатади.

Қадимда шоҳлар ўз келиб чиқишини улуғлаш мақ-садида ўзларини илоҳийлаштирганлар, ўзларини худо-нинг ердаги сояси, ноибни қилиб кўрсатганлар ва шу тариқа одамларни эксплуатация қилиш учун диндан кенг фойдаланганлар. Бунинг учун улар турли воси-таларни қўллаганлар. Хусусан, кўплаб ибодатхоналар қурдирганлар, санъатдан фойдаланганлар. Улар маъ-будларнинг ҳайкалларини тайёрлатганлар, суратларини чиздирганлар ва ҳоказо. Жанубий Бақтрия терри-ториясида жойлашган Ойхонум шаҳри харобалари ора-сидан топилган юнон маъбудни Дионис ҳайкали, Дил-баржинидаги Геракл ҳайкали, Диоскурларнинг монументал расми ва бошқа шунга ўхшаш маъбудларнинг ҳайкаллари фикримизнинг далилидир. Ҳаммага маъ-лумки, амалий ва тасвирий санъат инсон онгига кучли таъсир қилувчи бир қуролдир. Бу борада тангалар ҳам ҳоким синфларга жуда қўл келган. Чунки тангалар савдо-сотиқда муҳим айирбошлаш воситаси вазифасини бажарган ва одамлар орасида кенг тарқалган. Бу ҳол шоҳлар учун айни муддао эди. Улар бу энг осон ва шу билан бирга энг кучли ташвиқот қуролидан усталик билан фойдаланишган: тангаларнинг олд томонига ўз суратларини, орқа томонига маълум маъбуднинг сура-тини чиздиришган. Шу йўл билан улар ўзларини тар-ғиб қилганлар. Мусулмон мамлакатларида зарб қилин-ган тангаларда Қуръондан оятлар, шоҳнинг исми, ун-

вонлар, қачон ва қаерда мазкур танга зарб қилинганлиги қайд қилинган.

Саводли одамлар тангадаги ёзувларни ўқиганлар, саводсизлари эса расм ва ёзувларни томоша қилиш билан кифояланганлар. Лекин бундан қатъи назар, танга ўз вазифасини бажарган, яъни тангалардаги расм ва ёзувлар беихтиёр муомала давомида аста-секин инсон онгига сингиб борган.

Энди республикамиз территориясида топилган Кушон шоҳларининг тангалари мисолида қадимда Урта Осиё халқлари орасида улуғланган маъбудлардан баъзиларининг тангалардаги ифодаси ва улар билан боғлиқ бўлган диний тасаввурларини кўриб чиқайлик. Ёзма манбаларда бу маъбудлар ўзларида қандай диний тасаввурларини ифода этиши тўғрисида айрим маълумотлар бор. Лекин маъбудларнинг қандай тасвирланганлиги тўғрисида ҳеч қаерда ҳеч нарса зикр этилмаган. Шунинг учун ҳам бу борада тангалар асосий тарихий манба бўлиб хизмат қилади.

Кушон шаҳаншоҳи Вима Кадфизнинг тангасида ҳиндларнинг бош маъбудларидан бири — шиддатли Шива муқаддас Наввос Нанди олдида тасвирланган. Маълумки Шива рақс, бўрон ва серпуштлик маъбуди ҳам ҳисобланган. Ушбу тангада тасвирланган расм заминида қандай мазмун ётади? Гап шундаки, Ҳиндистонни Кушон шоҳларидан биринчи бўлиб Вима Кадфиз забт этган эди. У ўз ғалабасини ҳиндлар орасида мустаҳкамлаш ва уни янада ёйиш учун ҳиндлар маъбуди Шивани ўзига ҳомий қилиб олган. Шу билан бирга унинг ғалабаларига Шива раҳнамолик қилганлигини қайд қилмоқчи бўлган. Вима Кадфиз шоҳлиги даврида Кушонлар салтанатининг пойтахти Ҳиндистон территориясида бўлганлиги маълум.

Вима Кадфизнинг ўғли Канишка тангаларининг бирида Вадо, иккинчисида Михро, учинчисида Мах, Фарро ёки Орлагно каби зардуштийлар дини билан боғланган маҳаллий маъбудларнинг тасвири учрайди. Бу Канишка дин эркинлигини эътироф қилганлигини кўрсатувчи бир далилдир. Умуман Кушон шоҳларининг кўпчилиги, хусусан, Хувишка, шундай диний сиёсат ўтказганлар. Бу билан улар салтанат территориясида яшаётган турли этник гурпуага мансуб халқларни ўз таъсирида узоқ ушлаб қолмоқчи бўлганлар.

Канишка ва Хувишка тангаларида тасвирланган маъбудлар ўзларида қандай мазмунни ифодалайдилар?

Масалан, Михро Қуёш маъбуди ҳисобланган. У тангаларда тиззагача тушган қалин чакмонда чапга қараб турган ҳолатда тасвирланган. Маъбуднинг ўнг қўли олдинга кўтарилган, чап қўли билан эса белини ушлаб турибди. Белида узун қилич, боши атрофида эса ёғду тасвирланган. Маъбуднинг сурати олдида унинг номи битилган. Ой маъбуди Мах бўлса, белида қилич, ўнг қўлида тож ушлаб турган ҳолда акс эттирилган. Маъбуднинг боши орқасида ярим ой тасвирланган. Орқада «Мах» деган ёзув битилган. Олов, бойлик ва истиқбол маъбуди Фарро эса тангаларда чап томонга қараб турган ҳолда акс эттирилган. Унинг эгнида тиззагача тушган қалин чакмон, оёғида этик, чап қўли белида, ўнг қўлидаги ликопчада муқаддас олов ёниб турибди. Суратнинг орқасида «Фарро» сўзи битилган.

Орлагно уруш маъбуди ҳисобланган. Тангаларда у узун кийимда тасвирланган. Унинг боши ва елкаси атрофида ленталар ҳилпираб турибди. Маъбуднинг чап қўли белида, белида қилич, тепага кўтарилган ўнг қўлида эса найзани ушлаб турибди. Орқада «Орлагно» деб ёзилган.

Булардан ташқари Кушон шоҳларининг тангаларида яна бир қатор маҳаллий маъбудларнинг суратлари ҳам учрайди.

Кўриб турибмизки, бу маъбудларнинг ҳаммаси асосан самовий, табиат ҳодисалари, кучлари билан боғлиқ ва уларнинг инсон тасавуридаги ифодаси экан. Худди шу нарса зардуштийлар динининг моҳиятини ҳам белгилайди. Маълумки, зардуштийлар ер, ҳаво, сув ва оловни муқаддас ҳисоблаб, уларга сифинганлар.

Агар мана шу тангалар бўлмаганда, биз бу маҳаллий маъбудларнинг номини, уларнинг қандай тасвирланишини, нималарни ифодалашини билмас эдик. Кушонларгача бу маъбудлар одамлар қиёфасида тасвирланганми ёки йўқми, бизга қоронғидир. Ҳар қалай ҳозир бизда бу тўғрида аниқ маълумотлар йўқ. Балки маъбудларнинг одам қиёфасида тасвирланишига мазкур территория Кушонлар салтанатига қўшиб олиниши натижасида вужудга келган сиёсий, ижтимоий ва ғоявий ўзгаришлар сабаб бўлгандир. Албатта, бунда юнон маданиятининг таъсири ҳам роль ўйнаган бўлиши керак.

#### **ҚАДИМИЙ ЯРОҒ-АСЛАҲАЛАР, ЁЗУВЛАР ВА ТИЛНИ ЎРГАНИШДА ТАНГАЛАРНИНГ РОЛИ**

Қурол-яроғлар тарихини ўрганишда тангалар жуда қимматли маълумотлар бериши мумкин. Айниқса, бу

нуқтаи назардан грек-бактрия шоҳлари Деметрий II, Евкратиднинг, Евкратид II ва Кушон шоҳи Васудеванинг тангалари диққатга лойиқдир.

Масалан, Деметрий II тангасининг орқа томонида юнонларнинг уруш ва ғалаба маъбудаси Афина бир қўлида қалқон, иккинчи қўлида узун найзани ушлаб турган ҳолда тасвирланган. Евкратид I тангаларида узун найзалар билан қуролланган паҳлавон, Диоскурлар акс эттирилган. Евкратид II тангаларида Апполлон бир қўлида камон, иккинчи қўлида ўқ-ёй ушлаб турган ҳолда тасвирланган. Расмда ўқ-ёй нишларигача аниқ ифода этилган. Камон, найза ва қалқон ўша замон енгил суворийларининг, хусусан, бактрияликларнинг ҳам яроғ-аслаҳаси ҳисобланган. Бактрияликлар бу соҳада энг мерган бўлганлар.

Оғир қуролланган бактриялик жангчилар ҳақида Кушон шоҳи Васудеванинг тангалари жуда яхши маълумот беради. Шоҳ тангада бошдан-оёқ совут кийган ҳолда тасвирланган. Шоҳнинг бошида ўзига хос темир қалпоқ, бўйни орқа томонидан махсус совут билан бекитилган. У тангачасимон пластинкали совут кийган. Белида узун тўғри қилич. Совут майда тангачасимон пластинкалардан тайёрланган. Бундай совут жангчиларнинг жанг қилишига, уларнинг эркин ҳаракат қилишига, унчалик халақит бермаган. Ваҳоланки, олдинги даврдаги совутлар асосан катта пластинкалардан тайёрланганлиги учун жангчиларнинг ҳаракатини қийинлаштирарди.

Тангадаги шоҳ қиличининг тасвирига қараганда бу даврга келиб, улар ҳам анча ўзгарганлигини кўрамиз. Васудевадан олдин ўтган Кушон шоҳларининг тангаларида тасвирланган қиличларнинг узунлиги ўртача, тиғи кенг ва қалин бўлган. Бундай қиличлар жуда оғир бўлган. Табиғки, бунда жангчилар тез ҳолдан тойганлар. Васудеванинг қиличи эса узун ва тиғи ингичка бўлган. Жангчи бундай қилич билан жанг қилаётганда тез чарчамаган ва эркин ҳаракат қилган. Демак, ҳунармандлар шундай металл таркибини кашф этганларки, ундан енгил ва жуда қулай қиличлар тайёрлаш мумкин бўлган. Аммо уларнинг мустаҳкамлиги, сифати олдинги қиличлардан ҳеч қолишмаган. Юқорида қайд қилинган қурол-яроғлардан ташқари, Кушон шоҳларининг тангаларида гурзиларнинг расмини ҳам кўриш мумкин.

Рисоламизнинг бошида қайд қилганимиздек, тангалар қадимий ёзувларни ва тилларни ўрганишда ҳам маълум аҳамиятга эга. Авваламбор тангадаги ёзувлар

мазкур давлат территориясида яшовчи одамлар орасида хат-саводнинг пайдо бўлганлигидан далолат беради. Иккинчидан, тангалардаги ёзувларни палеографик ўрганиш асосида, ҳарфларнинг ёзилиши ўзгариб борганлигини кузатиш мумкин. Ниҳоят, учинчидан тангадаги ёзувлар қадимий ёзувларни ўқишда ҳам жуда катта ёрдам беради.

Олдимизда грек-бақтрия шоҳларининг Гелиокл тангаларига тақлид қилиб зарб қилинган, Герай ва Кудсула Кадфизнинг тангалари турибди. Улар хронологик тарзда қўйилган. Бу тангаларга диққат билан қаралса, улардаги ҳарфларнинг ёзилиш шакллари ўзгариб борганлигини кўрамиз. Бунинг ҳеч ажабланидиган жойи йўқ. Чунки грек-бақтрия подшолигининг тор-мор бўлиши, ҳокимиятнинг кўчманчи қабилалар қўлига ўтиши тангаларда, хусусан, улардаги ёзувларда ҳам ўз ифодасини топган эди. Грек-бақтрия шоҳларининг тангаларида ҳарфлар Грециянинг ўзида қандай ёзилса, бу ерда ҳам шундай ёзилган. Юнон подшолиги тор-мор этилиши билан бу тил ўз-ўзидан давлат тили бўлмай қолди. Вилоятнинг асосий аҳолиси эса маҳаллий, бақтр тилида сўзлар эди. Юнон тили биринчи пайтларда бақтр тили билан рақобат қила олди. Лекин вақт ўтиши билан у бақтр тили билан рақобат қилолмай қолди. Ниҳоят буюк Кушон шоҳи Канишка ҳукмронлиги даврида бақтр тили давлат тилига айланди. Тангаларда бақтр тилида ёзилган сўзларнинг пайдо бўлиши бундан гувоҳлик беради. Чунки бақтр тили давлат тили деб танилмаганда бундай ёзувлар тангаларда асло зарб қилинмасди. Канишка тангалари бўлмаганда ҳозир биз бу тўғрида ҳеч нарса билмаган бўлар эдик. Нега деганда бақтр тилида ёзилган сўзлар биринчи бўлиб Канишка тангаларида қайд қилинган. Бунда қизиғи шундаки, бақтр тилини ифода этишда улар юнон алифбесидан фойдаланишган.

Машҳур совет олими С. П. Толстов узоқ йиллар давомида қадимги Хоразм воҳасида олиб борган изланишлари давомида жуда кўп тангалар топган. У бу тангалардаги ёзувларни диққат билан ўрганиб, Хоразм тилини ифода этувчи 19 ҳарфни аниқлашга муяссар бўлди. Булар Хоразм алифбесининг бизга маълум бўлган биринчи ҳарфлари эди. Кейинчалик ҳарфларнинг ёзилиши ва ўқилиши асосида С. П. Толстов Тупроққалъадан топилган қадимги Хоразм тилида ёзилган ҳужжатларни ўқишга ҳаракат қилди ва бу борада анча муваффақиятларни қўлга киритди. Демак, бу қадимги Хоразм танга-

лари бўлмаганда, қадимги Хоразм тили ва ёзувини ўқиш жуда қийин бўларди.

Тангалардаги расмларга қараб қадимги одамлар қандай кийинганлиги, кийимларнинг бичими ҳақида оз бўлса ҳам тасаввур олиш мумкин. Бу борада Кушон шоҳларининг тангалари, айниқса эътиборга лойиқ. Бу тангалардаги шоҳ ва маъбудларнинг расмига қараб, Кушон даврида яшаган бобокалонларимизнинг кийимлари қандай бўлганлигини кўрамиз. Уларнинг бошларида кўпинча баланд телпак, эғнида яқтакка ўхшаш ички кийим, унинг устида чакмон бўлган. Чакмоннинг узунлиги товонгача тушган. Айрим ҳоллардагина уларнинг этаги тиззадан сал пастда бўлган. Чакмоннинг ёқалари ва олди кўкрак бурма шаклида бўлган. Чакмонларнинг баъзилари қалин, баъзилари юпқароқ бўлган. Улар оёқларга чармдан тайёрланган юмшоқ этик кийиб юрганлар.

Хуллас, қарийб уч минг йиллик тарихи давомида тангалар қанчадан-қанча турли-туман воқеаларнинг шоҳиди бўлдилар: Буларнинг ҳаммаси уларда ўз аксини топди. Тангалар даврининг ўзига хос кўзгусидир. Бу кўзгуда жамият, кишилар ҳаётида юз берган, ҳаттоки жуда сезиларли бўлмаган ўзгаришлар ҳам ўз ифодасини топган.

Ҳар йили республикамиз территориясида археологик қазишлар пайтида, қадимда одамлар яшаган ерларни қайта ўзлаштириш жараёнида ёки тасодифан юзлаб-минглаб тангалар топилмоқда. Бу тангалар халқимизнинг кўп қиррали тарихи ва маданияти билан боғлиқ бўлган маълумотларни аниқлашда муҳим манба бўлиб хизмат қилмоқда. Улар асосида халқимизнинг тарихи, маданияти, ғоявий қарашлари ҳақидаги билимларимиз янада чуқурлашмоқда ва ойдинлашмоқда.

Шакирджан Пидаев

МОНЕТЫ — ЗЕРКАЛО  
ЭПОХИ

На узбекском языке

Издательство «Узбекистан» —  
1984, 700129, Ташкент, На-  
вои, 30.

Редактор Б. Шарипов  
Техредактор Т. Аббосов  
Корректор С. Тоҳирова

ИБ № 3234

Теришга берилди 10.11.83. Босишга рух-  
сат этилди- 8.02.84. Р — 13535. Форма-  
ти 84×108<sup>1/32</sup>. № 2 босма қоғозига «Ли-  
тературная» гарнитурда юқори босма  
усулида босилди. Шартли босма лис-  
ти 1,26. Шартли кр.-отт. 1,37. Нашр  
листи 1,22. Тиражи 6781. Заказ № 2337.  
Баҳоси 4 т.

«Узбекистон» нашриёти, 700129, Тош-  
кент, Навоий кўчаси, 30, Нашр № 300—83.

Узбекистон КП Марказий Комитети  
нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ  
орденли босмаҳонаси, ГСП, Тошкент,  
«Правда Востока», 26.